



ЛЕКСИК ЗАҲИРАНИНГ ШАКИЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мамажоновна Шоирахон Муроджон қизи

Андижон давлат чет тиллари институти мустақил тадқиқотчиси

E-mail:shoiraxonmamajonova7@gmail.com

Annotatsiya: Ушбу мақолада лексик заҳирани шакллантиришнинг аҳамияти, мақсади ва вазифалари тилни ўрганиш ва умумий билимни ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши, буларнинг барчаси талабаларнинг сўз бойлигини ошириш ва уларни самарали қўллаш учун қаратилган. Шунингдек лексик заҳирани шакллантириш ва тил ўрганиш соҳасида турли назарий ва амалий ёндашувлар ёритилган.

Kalit soʻzlar: лексик кўникма, лексик маъно, лексик заҳира, тил компетенцияси, ижтимоий контекст, суггестопедия, баҳолаш мезонлари

ЗНАЧЕНИЕ, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ФОРМИРОВАНИЯ ЛЕКСИЧЕСКОГО ЗАПАСА

Ш.М.Мамажоновна

независимый исследователь

АГИИЯз

Аннотация: В данной статье рассматриваются значение, цель и задачи формирования лексического запаса, играющие важную роль в изучении языка и развитии общего кругозора. Все эти аспекты направлены на обогащение словарного запаса студентов и его эффективное использование. Кроме того, освещаются различные теоретические и практические подходы в области формирования лексического запаса и изучения языка.



Ключевые слова: лексическое навыки, словарный запас, языковая компетенция, социальный контекст, суггестопедия, критерии оценки

THE IMPORTANCE, AIMS, AND FUNCTIONS OF LEXICAL RESOURCE FORMATION

Sh.M. Mamajonova

Independent researcher

ASIFL

Abstract: This article explores the significance, objectives, and tasks of vocabulary development, which play a crucial role in language acquisition and the enhancement of general knowledge. All these aspects are aimed at enriching students' lexical resources and promoting their effective use. In addition, the article highlights various theoretical and practical approaches in the field of vocabulary development and language learning.

Keywords: lexical skills, vocabulary, language competence, social context, suggestopedia, assessment criteria

КИРИШ

Хорижий тилни ўрганиш жараёнида лексик материални таҳлил қилиш замонавий методик тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки тилнинг номинатив функциясини амалга оширувчи сўз бойлиги орқали сўзловчининг фикрлари ифода этилади, шунингдек, улар реал ҳаёт ва тасаввурий дунё ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш ва етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Р.К.Миняр-Белоручевнинг фикрича, лексик кўникма — бу нутқий алоқа учун зарур бўлган сўз, сўз бирикмаси ёки иборани тезда эслаш қобилиятидир. Лексик кўникмалар барча нутқий фаолият турлари учун муҳим



бўлиб, уларга автоматизм, барқарорлик, мустақиллик, шартлилик ва репродуктивлик хосдир.

Сўзнинг лексик маъносини англаш — унинг нутқдаги қўлланиш имкониятларини, воқеликда қандай объект ёки ҳодисани ифода этишини, шунингдек, у билан боғлиқ бир қанча предметлар ўртасида фарқни аниқлаш ва ассоциатив алоқаларни шакллантириш жараёнини ўз ичига олади. Сўзни ўзлаштиришнинг ушбу жараёнлари лексик маълумотларни тўплаш ва маълумотлар заҳирасига асосланган тил компетенциясини шакллантиришга хизмат қилади. Шу заҳира миқдори инсоннинг муайян тил бирлиги ёки дунёдаги реал объект ҳақидаги билим ҳажмини белгилайди. Маълумотлар заҳирасининг юқори даражада бўлиши эса зарур ва барқарор лексик кўникмаларни ривожлантириш учун муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Adabiyotlar tahlili.

Лексик заҳирани шакллантириш тўғрисида бир қатор рус олимлар илмий ишларни амалга оширган. Уларнинг ҳар бири лексика ва лексик тафсирни ўрганишда турли назарий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқишган. Қуйидаги олимларнинг илмий ишлари муҳимдир: **Е.И.Пассов** ўзининг “Лексика и семантика современного русского языка” асарида лексик заҳирани шакллантириш ва лексик кўникмаларни ўрганишга катта ҳисса қўшган. Унинг ишлари тил ўрганишда лексика, грамматика ва прагматика ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таърифлашга қаратилган. **Г.И.Рахматуллина** ҳам “Лексика и грамматика” номли асарида лексик заҳирани шакллантириш жараёнида сўзларнинг маъноси ва уларнинг контекстдаги ишлатилишига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаган. **В.Н.Костомаров** “Введение в лексикологию” номли асарида лексика ва грамматика ўртасидаги алоқалар, шунингдек, лексик категориялар ва уларнинг амалий қўлланиши тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борган. **Н.Д.Артемова** “Лексика и фразеология” номли асарида лексик заҳирани шакллантиришда контекст ва



маъно муаммоларини тадқиқ қилиб, сўзларнинг мураккаблигини ва уларнинг функционал имкониятларини ўрганган.

Лексик заҳирани шакллантириш тўғрисидаги тадқиқотлар билан чет эл олимлари ҳам катта ҳисса қўшган. Улар тилни ўрганиш ва лексик кўникмаларни шакллантириш соҳасида турли назарий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқишган. Қуйидаги чет эл олимлари лексик заҳирани шакллантиришга оид илмий ишлари билан танилган: **М.А.Кейн (M.A.K. Halliday)** инглиз тилининг лексик структурасини, тилнинг маъносини ва функцияларини ўрганишга қаратилган ишлари билан машҳур. Унинг “Systemic Functional Linguistics” номли мақоласида лексик заҳирани шакллантиришда тилнинг ижтимоий контекстга эътибор қаратиладиган амалий ёндашувни таъминлайди. У лексикологиянинг асосий тушунчалари, сўзларнинг маъноси, этимологияси ва ижтимоий контекстдаги аҳамиятини таҳлил қилади.

Д.А.Круз (D.A.Cruse) лексик заҳирани шакллантиришда тилнинг амалий ва ижтимоий функциялари ҳақида ўз назарий ишларини олиб борган. Унинг “Lexical Semantics” асарида лексика ва маъно ўртасидаги алоқаларни, уларнинг контекстга боғлиқлигини тадқиқ қилишга йўналтирилган.

Бу олимлар лексик заҳирани шакллантириш ва тил ўрганиш соҳасида турли назарий ва амалий ёндашувлар, методлар ишлаб чиқишга ёрдам берган ва кўпгина тилшунослик тадқиқотларида муҳим ҳисса қўшган.

Бундан ташқари, тадқиқотчи Д.Шамсиддинова томонидан ёзилган “**The Common Difficulties in Learning English Vocabulary (as the example of Uzbekistan)**” номли мақолада ўзбек талабаларида инглиз тили лексикасини ўрганишда учрайдиган умумий муаммолар таҳлил қилинган. Муаллиф дескриптив сифат ва миқдорий тадқиқот усулларида фойдаланган. Тадқиқотда тестлар ва интервьюлар орқали маълумотлар тўпланганлиги ўрганилди.



Tadqiqot metodologiyasi.

Лексика — ўрганилаётган тилда сўз бойлигини шакллантирувчи мураккаб ва ўзаро боғлиқ тизимга бирлашадиган асосий тил материалидир. Талабада қанчалик кўп лексик бирликлар фаол луғавий захирада бўлса, инглиз тилида мустақил нутқий ифода яратиши шунчалик осон кечади. Чет тили лексикасига алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган бир қатор сабаблар мавжуд.

Талабанинг лексик материални қай даражада ўзлаштирганлиги унинг нутқий ифодасининг мазмунга бойлигини белгилайди; – Дарс жараёнида ўзлаштирилган лексика мазмун жиҳатидан ҳам, психологик ва лингвистик хусусиятлари нуқтаи назаридан ҳам турли йўналишли хусусиятларга эга;

– Лексик минимум чет тилини ўрганишнинг кейинги босқичларида ривожланиш учун зарур бўлган асосий базавий компонент ҳисобланади;

– Лексик бирликлардан фойдаланиш имконияти ўқувчининг нутқий фаоллигини белгилаб беради.

Лексик захирани шакллантириш таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, маънолар кўламининг кенгайиши орқали талабанинг лексик бирликларни англаш, уларни аниқ ва мақсадга мувофиқ қўллаш қобилияти ривожланади. Иккинчидан, сўз бойлигининг ўсиши нутқнинг ифодалилиги ва тушунарлилигини таъминлайди, бу эса талабаларнинг ижодий фикрлаши ва аниқ мулоҳаза юритишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, лексик захиранинг кенгайиши ахборот алмашинувини самарали ташкил этишда ва турли муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Лексик захирани шакллантиришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:



а) Тил компетенциясини ривожлантириш — лексик захиранинг бойиши талабаларга чет тилини тўғри ва аниқ тушуниш, ҳамда самарали қўллаш имконини беради, бу эса нутқий фаолиятнинг юқори даражада амалга ошишини таъминлайди;

б) Амалий мулоқотда қўллаш — лексик бирликларни турли ҳаётий ва профессионал вазиятларда фаол ва мақсадга мувофиқ ишлатиш талабанинг коммуникатив салоҳиятини оширади ва тилни ҳаётий зарурат даражасида ўзлаштиришга кўмаклашади;

в) Тафаккур ва таълим жараёнини фаоллаштириш — лексик бойликнинг ўсиши талабанинг фикрлаш қобилиятини кучайтиради, мураккаб маълумотларни ўзлаштиришни енгиллаштиради ҳамда таълимий фаолият самарадорлигини оширади.

Лексик захирани шакллантириш жараёни бир қатор муҳим вазифаларни қамраб олади жумладан:

а) Сўзларнинг маъно ва шакл хусусиятларини ўрганиш — лексик захирани бойитишнинг дастлабки вазифаси сўзларнинг семантик мазмуни, морфологик шакллари ва уларнинг турли контекстлардаги қўлланиш хусусиятларини англашдан иборатдир;

б) Лексик бирликларнинг тўғри қўлланишини таъминлаш — сўзларни маъносига мос ҳолда ва тегишли контекстда ишлатиш орқали тилдан унумли фойдаланиш кўникмалари шакллантирилади;

в) Лексик таркибни бойитиш — янги сўзлар, иборалар ва фразаларни ўрганиш ва амалиётда қўллаш орқали тилнинг ифодалилиги ошади, шу билан бирга, нутқдаги интонацион ва семантик бузилишлар олди олинади;

г) Тил элементлари билан ўзаро боғлиқлик — лексик захира грамматик ва фонетик унсурлар билан узвий алоқада шаклланади, бу эса тилнинг тузилиш тизимида мувозанат ва яхлитликни таъминлайди. Шу тариқа, лексик захирани шакллантириш жараёни нафақат тилни самарали ўзлаштириш, балки ижодий



фикрлаш, коммуникатив компетенция ва ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда ҳам муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Методист Е.И.Пассовнинг қарашларига асосланиб, лексик кўникмани қуйидагича таърифлаш мумкин: бу — нутқий ниятга мувофиқ лексик бирликни танлаш ва уни бошқа лексик элементлар билан тўғри уйғунлаштириш асосида шаклланадиган, автоматлашган даражада амалга ошадиган мураккаб ҳаракат бўлиб, у муайян коммуникатив вазиятда лексик бирликдан тўғри фойдаланиш имконини яратади ва нутқий фаолиятни самарали амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири сифатида хизмат қилади.

Лексик компетенцияни ривожлантиришда, самарали усуллардан бири “интенсив ўқиш” бўлиб, бу усул талабаларнинг қисқа матнлар билан жиддий ва тўлақонли ишлашини назарда тутди. Ушбу жараён ўқитувчи бошчилигида, ҳар бир матнни диққат билан ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Интенсив ўқиш лексика, грамматика, матннинг ўзаро боғланиши ва мазмунининг биргаликда матннинг коммуникатив мақсадини рўёбга чиқаришини тушунишга ёрдам беради. Матн билан интенсив ишлаш жараёнида талабалар 150–200 сўзлик қисқа матнни чуқур таҳлил қилиб, унга оид топшириқларни бажарадилар. Бу топшириқлар лексик машқлар ва матнни тўла тушунишга қаратилган кўплаб вазифалардан иборат бўлиб, уларнинг умумий ҳажми матннинг ўзига нисбатан бир неча баравар катта бўлади. Матн билан интенсив ишлашнинг асосий мақсадлари – матнни пухта ва чуқур тушуниш, тил хусусиятларини матн асосида ўрганиш, тилда ривожланган фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва сўз бойлигини кенгайтиришдир.

Билимларни тақсимлаш фақатгина илмий, балки оддий маънода ҳам ижтимоий фаолият соҳалари бўйича амалга оширилади. Агар инсон чет тилини чуқурроқ ўрганиш билан шуғулланса, унда лексик бойликни ошириш ҳақида ўйланиши табиийдир. Бу жиҳат муваффақиятга эришиш учун биринчи



даражада муҳим ҳисобланади. Талабалар лексик бирликларни ўрганишга юқори мотивацияга эга бўлишлари керак. Мотивация даражаси аввало, ўқитувчининг тажрибаси ва ўрганилаётган материалнинг долзарблигига боғлиқдир. Ҳар кунги ҳаётда чет тилини ўрганувчилар кўпинча тушунмайдиган сўзлар ва ибораларга дуч келадилар, бу уларнинг тилни тушунишини тежайди. Бундан ташқари, талабалар ўз фикрларини самарали ифодалашга тўсқинлик қилаётган вазиятларда қийналадилар. Электрон луғатлар бу муаммога ечим сифатида енгил воситага айланган. Бироқ, электрон луғатларга таянган ҳолда, талабалар ўзларининг коммуникатив компетенцияларини ҳақиқатан ҳам оширишадими? Уларни луғатларга камроқ суяниб, ўзининг тил қобилиятларига кўпроқ ишонган ҳолда ўқитишнинг нимага ўргатиш керак? деган саволлар туғилиши табиий. Тилнинг луғати тахминан 300 минг сўзни ўз ичига олишини айтиш, бу бошланғич тил ўрганувчилар учун фақат назарий қизиқишга эга бўлади. Янги тилни ўрганишни тўғри ташкил этиш учун асосий принциплардан бири сўзларни тежашдир. Камроқ сўзларни ёдлашни ўрганиш, лекин уларни синчковлик билан ёдлаш керак. Бу ёндашув, “суггестопедия” усулига қарама-қарши, унда талабага кўп сўзларни кўрсатишга асосий эътибор қаратилган. Маълумки, бу усулга кўра, бошланғич ўқувчини сўзлар билан «қоплаш» ва ҳар куни 200 та янги сўзни ёдлашга таклиф қилиш лозим. Ҳар қандай инсон кўп сўзларни ёдлашда қийинчиликка дуч келади, агар уларни суггестопедик усулда ўрганишга мажбур қилинса.

"Суггестопедия" (инглизча *suggestopedia*) — бу болгар педагоги Георгий Лазариев томонидан 1970-йилларда ишлаб чиқилган ўқув методидир. Ушбу метод психология, мусиқа ва ижобий ҳис-туйғулар орқали янги материални ўзлаштиришни яхшилаш учун ишлатишга асосланган, айниқса тилларни ўрганишда муҳум рол ўйнайди.



Сўзнинг маъносини тушуниш — уни нутқда қандай ишлатилишини ва атрофдаги оламда қайси объектни ифодалашини англашдир. Шунингдек, бу жараён сўз билан боғлиқ бир неча объектларни аниқлаб, улар орасидаги маънавий алоқаларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади.

Сўзни тушуниш босқичлари шахснинг билим доирасини кенгайтиришга, ҳамда зарур маълумотларни жамлаш имконини беради ва ахборот хазинасини бойитади. Ахборот захираси – бу инсоннинг тил белгиларини ва реал дунёдаги предметларни боғлаш қобилиятига асосланган билимлар мажмуасидир.

Кенг ва мустаҳкам ахборот захираси эса шахснинг аниқ ва равлон нутқ сўзлаши, сўз бойлигини ривожлантириши ҳамда лексик маҳоратни эгаллашининг асосий омили ҳисобланади. Шундай қилиб, тил кўникмаси бир нечта муҳим жиҳатларни ўз ичига олади: аввало, сўзнинг товуш шакли, кейин эса ундан тўғри фойдаланиш учун керакли сўзни танлаш маҳоратидир. Шунингдек, сўзларни бир-бири билан уйғун тарзда боғлаш, уларни грамматик меъёрлар ва мавжуд мулоқот мақсадларига мувофиқ тарзда ишлатиш ҳам бу жараённинг ажралмас қисмидир.

Янги сўзларни самарали ўзлаштириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим. Биринчидан, янги лексикани ўрганишга эҳтиёж уйғотиш керак. Иккинчидан, янги сўзларни осонроқ қабул қилиниши мумкин бўлган шаклда тақдим этиш зарур.

Н.П.Бехтереванинг таъкидлашига кўра, сўзлар энг яхши хотирада қолиши учун уларни муайян фикр ва ҳис-туйғуларни уйғотадиган қисқа фильм эпизодини кўриш жараёнида ўрганиш тавсия этилади. Кейин эса, томоша қилинган лавҳа ҳақида ўз муносабатини билдириш учун зарур бўлган янги сўзлар таклиф қилинади. Агар фильмдан фойдаланиш имкони бўлмаса, талаб этилган сюжетга мос расмлар, ҳикоялар ва бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин.



Ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашда энг муҳим омиллардан бири — таълимий материалнинг ўрганувчининг ёш хусусиятлари ва индивидуал қизиқишларига мос келиши, шу билан бирга, ўрганилаётган тил бирликларининг муайян муаммоли хусусиятга эга бўлиши ҳисобланади.

Лексик кўникмаларни шакллантириш жараёни бир нечта муҳим босқичларни ўз ичига олади. Энг аввало, янги сўзларнинг семантик мазмунини очиб бериш ҳамда уларни нутқий фаолиятда тўғри қўллашга йўналтирилган ўқув фаолиятини ташкил этиш зарур. Агар янги лексик бирликлар матн ёки гап таркибида берилса, уларнинг бошқа сўзлар билан лексик-семантик уйғунлиги, имлоси ва талаффуз хусусиятларини тушуниш осонлашади, бу эса лексик материални самарали ўзлаштиришга ёрдам беради.

Tahlil va natijalar

Сўз маъносини тушунтириш турли педагогик усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Жумладан, реал предметларни намойиш этиш, она тили ёки ўрганилаётган тилда синонимлар орқали изоҳ бериш каби йўллар орқали кенг қўлланилади. Ушбу усуллар сўзнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уни семантик жиҳатдан тўғри тушуниш ва нутқда мақсадга мувофиқ қўллаш имконини беради.

Эгалланган лексик кўникмаларни оғзаки ва ёзма нутқда мустаҳкамлаш ва фаол қўллаш учун турли типдаги машқлардан фойдаланиш зарур. Хусусан, янги ўзлаштирилган сўзлар асосида хабар ёки қисқа ҳикоя тузиш, матнларни ўқиш ва таржима қилиш, турли мавзу бўйича суҳбатларни тинглаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, ёзма нутқда хат ёзиш каби вазифалар орқали лексик бирликларнинг фаоллашуви таъминланади. Бу эса ўрганувчининг нутқий фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ўқув жараёнининг якуний босқичида эса ўзлаштирилган билим ва лексик кўникмалар даражасини баҳолаш мақсадида тест синовлари, диктант ёки назорат ишлари каби назорат турлари қўлланилади. Ушбу баҳолаш



воситалари орқали ўрганувчининг лексик материални қай даражада ўзлаштиргани, унинг амалиётдаги қўллаш қобилияти ва нутқий компетенцияси аниқланади.

Лексикани ўрганиш ва ўқитиш жараёнида бир қатор қийинчиликлар ва муаммолар юзага келади, шу жумладан, лексик-фразеологик чекловлардир. Бу, ўзаро мослашувчанликнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ҳар бир сўз муайян тилда фақат муайян сўзлар билан ишлатилиши мумкинлигини англатади. Бундай мослашувчанлик кўп ҳолларда она тилдаги грамматик ва лексик қоидаларга тўғри келмаслиги мумкин, бу эса тил ўрганишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Масалан, инглиз тилида **“pay”** (тўлаш) феъли **“attention”** (эътибор), **“visit”** (ташриф) ва **“compliments”** (мақтов) каби отлар билан қўлланилади, бу эса ўзбек тилидаги сўз бирикмаларига тўғри келмайди. Демак, сўзларнинг бир-бири билан боғланиш хусусияти ҳар бир тилга хос ва унинг миллий ўзига хослигини акс эттиради. Шу сабабли, лексикани ўрганишда сўзларни алоҳида эмас, балки уларнинг типик бирикмалари ва барқарор ифодалар тизимида ўрганиш кўпроқ самарали ва мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, ўз навбатида, тилнинг маънавий структурасини ва коммуникатив имкониятларини тўлиқ шакллантиришга ёрдам беради.

Лексикани ўрганишдаги яна бир муаммо – турли маданиятларда айрим атроф-муҳит объектларига нисбатан шаклланган тасаввурлар фарқли бўлиши. Масалан, инглиз тилида **“break a leg”** – *“оёгингни синдир!”* эмас ўзбек тилида *омад тилаш* учун ишлатилади.

Шу сабабли, сўзларнинг фақат грамматик ва лексик боғланишларини эмас, балки уларнинг маъносининг нозик фарқларини ҳам инобатга олиш жуда муҳимдир. Шунинг учун ўқитувчининг вазифаси – талабаларга тилнинг миллий ва маданий ўзига хосликларига эътибор қаратириши ҳам муҳум ҳисобланади.



Лексик кўникмаларни баҳолашда энг мақбул усул оғзаки жавобларни беш баллик шкала бўйича баҳолашдир. Чунки бу ҳолда гапирилган нутқнинг мазмуни (фикр баён қилиш ва асослаш), суҳбатдош билан мулоқот, жумладан, жавоблар кетма-кетлиги, суҳбатни бошлаш, давом эттириш ва якунлаш маҳоратлари, лексик бойлик, талаффуз ва интонатсия ҳамда грамматик тузилмаларни тўғри қўллаш каби жиҳатларни аниқлаш мумкин. Шунингдек, баҳолаш мезонлари олдиндан тушунтирилиши лозим. Улар талабалар учун содда ва тушунарли бўлиши керак. Бундан ташқари, жавоб бериш жараёнида хатоларга ортикча эътибор қаратмаслик ва уларни дарҳол тўғрилашдан қочиш тавсия этилади. Шу билан бирга, тематик луғат юритиш каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Йил охирида эса ҳар бир талаба ўзлаштирган янги лексик бирликлар сонини кўриб, ўз ривожланишини баҳолаш имконига эга бўлади.

Хулоса. Чет тилида лексик кўникмаларни шакллантириш жараёнини таҳлил қилаётганимизда, қуйидаги асосий жиҳатларни алоҳида таъкидлаш зарур. Янги тилни ўрганиш жараёни, аввало, ҳарфлар ва товушлар билан танишишдан бошланади, кейин эса сўзларни ўзлаштиришга ўтилади, чунки тилнинг ҳақиқий мазмунини тушуниш ва мулоқот қилиш учун сўзлар муҳим ва ажралмас элемент ҳисобланиб, чунки сўзларсиз тилни тушуниш имконсиздир.

Шунинг учун, янги лексикани самарали ўзлаштириш учун сўзларни алоҳида эмас, балки уларнинг турли сўз бирикмалари таркибида ўрганиш муҳимдир. Идиоматик иборалардан фойдаланганда, бутун жумлаларни ёдлашга ҳам эҳтиёж туғилиши мумкин. Сўзларни узоқ муддатли хотирада сақлаш ва уларни чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида, уларни тасаввурлар орқали бир-бири билан боғлаш тавсия этилади, бундан ташқари, бу жараён интеллектуал хариталар орқали тизимлаштирилиши мумкин. Қолаверса, тематик луғатлардан фойдаланиш ҳам жуда самарали услуб бўлиб, уларда



янги сўзга боғлиқ синонимлар, антонимлар ва сўз бирикмалари жамланиб, ўрганиш жараёнини яхшилашга ёрдам беради.

Лексик захирани бойитиш мақсадида, талабаларга турли интерактив платформалардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу платформалар орқали ўқув курсларини ўтиш имконияти мавжуд бўлиб, улар тил кўникмаларини ривожлантириш ва самарали ўрганиш жараёнини қўллаб-қувватлайди.

Foydalanilgan adabiyotlar.

Cruse D.A. Lexical Semantics. Cambridge University Press. 1986. 328 p.

Halliday M.A.K, Colin Yallop *Lexicology: A Short Introduction*. Bloomsbury Publishing. 2007. 117 p.

Луховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие для филологических спец. вузов. М.: Высшая школа, 1981. 159 с.

Лазанов Г. Суггестопедия при обучении иностранным языками. // Методы интенсивного обучения иностранным языкам: Сб. науч. тр. МГПИИЯ. – Вып. 1. – М.: 1973. – С. – 52.

Пассов Е.И. Коммуникативная методика. Воронеж, 2005., с-136.

Усольцева Д.А. Особенности работы с новой лексикой иностранного языка на начальном этапе обучения // Молодой ученый. 2017. № 23. с- 77.

Шамсиддинова. Д **The Common Difficulties in Learning English Vocabulary as the example of Uzbekistan.** *O‘zMU Xabarlari*, 2024 йил, 1.3 сони.